

Жумадан олдин нафл намоз ўқиш



04:12 / 21 март 3598

ىلص يبّن لاؤ و ئەغۇم جۇلما مۆي يىن آفـ طـ خـ لـ اـ كـ يـ لـ سـ ئـ اـ جـ بـ لـ آقـ ئـ نـ عـ هـ لـ لـ اـ يـ ضـ رـ ربـ آجـ ئـ نـ بـ نـ يـ تـ ئـ غـ كـ رـ عـ كـ رـ اـ فـ مـ قـ ئـ كـ يـ لـ سـ ئـ اـ يـ » ئـ ئـ لـ لـ آقـ فـ ئـ سـ لـ جـ فـ ئـ بـ طـ خـ يـ مـ لـ سـ وـ هـ يـ لـ عـ هـ لـ لـ اـ عـ كـ رـ يـ لـ فـ ئـ بـ طـ خـ يـ مـ اـ مـ إـ لـ آـ وـ ئـ ئـ ئـ جـ مـ ئـ جـ لـ اـ مـ وـ يـ مـ كـ دـ حـ آـ ئـ اـ جـ آـ دـ ئـ « ئـ آـ مـ هـ يـ فـ زـ وـ جـ تـ وـ ئـ سـ مـ حـ لـ اـ آـ وـ رـ .« ئـ آـ مـ هـ يـ فـ زـ وـ جـ تـ يـ لـ وـ نـ يـ تـ ئـ غـ كـ رـ .

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«**Жума куни Набий соллаллоху алайхи васаллам хутба қилиб турганларида Сулайк Ғатафоний келиб ўтирди. У зот: «Эй Сулайк, туриб, енгилгина икки ракъат намоз ўқиб ол», - дедилар. Сүнгра эса: «Қачон бирортангиз жума куни имом хутба қилиб турганида келса, енгилгина икки ракъат намоз ўқиб олсин», - дедилар».**

Бешовлари ривоят қилишган.

Ушбу ҳадис «Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 6-жузидаги шундай шарҳ қилинган: Имом гапириб, хутба қилиб турган чоғида масжидга кириб келган одам тезда икки ракъат намоз ўқиб олиши ҳақида сўз бораётган бу ривоятни уламолар икки хил таъвил қилганлар.

Баъзилари «Бу намоз Жумъанинг фарзидан олдинги суннат», десалар, бошқалари «Бу намоз таҳийяти масжид намозидир», деганлар.

Умуман, имом хутба қилаётганида намоз ўқиши тортишувли масала, чунки бу ҳақда бошқа ривоятлар ҳам бор. Шунинг учун бу масалани фиқҳ китобларидан ўрганиш ва ҳар ким ўз мазҳабига амал қилиши ўртада ихтилоф чиқишини тўхтатади, деб айтилади.

Шу билан бирга, айтиб ўтиш лозим бўлган нарсалар ҳам бор. Ҳанафий мазҳабида имом минбарга чиққанидан кейин намоз ўқиш ҳаром. У хутбани бошлиганида эса саломга алик олиш, акса урганга яхши тилак айтиш, Қуръон ўқиш ва шунга ўхшаган нарсалар ҳам мутлақо мумкин бўлмайди. Ҳанафийлар бу ҳадисни Пайғамбар алайҳиссалом ҳалиги одамни намоз ўқишга амр қилиб, ўзлари хутбадан тўхтаб турганлари билан изоҳлайдилар.

Дора Қутний Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хутба қилиб турганларида бир киши масjidга кириб келди. Бас, у зот:

«Эй фалончи, намоз ўқидингми?» дедилар.

«Йўқ», деди.

«Тур! Икки ракъат намоз ўқиб ол!» дедилар ва у намоз ўқиб бўлгунича интизор бўлиб турдилар».

Бошқа бир ривоятда:

«То у намозини ўқиб бўлгунича хутбани тўхтатиб турдилар», дейилган.

«Жума ҳақидаги оят ва ҳадис» китобидан